

СУДТИБИЙ АМАЛИЁТИДА ЧҮКИШНИНГ УЧРАШИ ВА СТАТИСТИК ТАҲЛИЛИ

Хатамова Сарвиноз Муйитдиновна
Бухоро тиббиёт институти
e-mail: xatamova.sarvinoz@bsmi.uz

Аннотация

СУВГА ЧҮКИШ — бахтсиз ҳодиса. Бунда нафас йўллари суюклик (одатда, сув) ёки суюқ массалар (балчик, лой) билан тўлиши натижасида нафас ва юрак фаолияти қаттиқ бузилади. Сувга чўкиш, одатда, катта сув ҳавзаларида чўмилганда ёки бирор сабабга кўра содир бўлади. Яхши сузадиган одам ҳам (сувда чўмилиш қоидаларига риоя қилмаса ва эҳтиёт чораларини кўрмаса) чўкиб кетиши мумкин. Узоқ масофага сузуб чарчаш, шунингдек, калла ташлагандан шикастланиш (бошнинг тошга ёки бирор қаттиқ нарсага урилиб кетиши) сувга чўкишга сабаб бўлади. Калла ташланган одам (калла ташлаш техникасини билмаса) сув юзасига урилиб кетиши туфайли бўйин, кўз, биқин соҳасига зарб етказади, бу эса хушдан кетишига олиб келади. Бошнинг ҳавза тубига урилиши бўйин умуртқаларининг синиб кетиши хавфини туғдиради. Мастлик ҳам сувга чўкишга сабаб бўлиши мумкин, маст одам ўзини идора қилолмай, чўмилиш қоидасини бузади. Бундан ташқари, у совуқни ёмон сезганлиги учун совқотиб, хушдан кетиши мумкин. Офтобда қизиб туриб, бирдан сувга тушиш натижасида ҳарорат кескин ўзгарганда, меъда овқатга тўлиб кетиб, овқат ҳазм бўлиши тезлашганда, сувга бирдан тушиб кўрққанда ҳам кишининг хушдан кетиши кузатилади.

Калит сўзлар-Асфиксия, чукиш, мацератция, планктон

Долзарблиги. Сувга чўкишда содир бўладиган ўлим оғир патологик ўзгаришлар — гипоксия (кислород етишмаслиги) таъсирида юз беради.

Текширув усууллари ва материаллари. Чўкишда ўлим содир бўлганлигига тахмин қилинганда мурдани текширишда водопровод сувидан фойдаланиш қатъий ман этилади, чунки водопровод сувида бўлган планктонлар маҳсус текшириш учун жўнатилаётган органлар тўқимасига ўтиб қолиши мумкин. Планктонни қон, паренхиматоз органлар ва найсимон сүякларнинг илигига топиш усули анча қийин бўлиб, бунинг учун жигар, мия, буйрак, суяк илигидан тахминан 200 гр. дан олинниб майдалангандан кейин колбаларга солинади ва устига пергидрол эритмаси қуйилгач, концентранган сулфат кислотасида қайнатилади ва кейин нитрат кислотаси билан ишлов берилади. Охирги этапида тиниклаштириш учун яна бироз миқдорда пергидрол эритмаси

қүшилади. Шундан кейин тўқималарнинг барча органик таркибий қисмлари тўлигича емирилади ва фақатгина неорганик бирикмалари, шунингдек, планктонни кремнийлик косачаси қолади. Колбалардаги тиниқ нарсалар кўп марталаб центрифугаланади. Ҳосил бўлган чўкмадан предмет шишасида препарат тайёрланади ва микроскоп тагида ўрганилади. Топилган планктонларни суратга олиш мақсадга мувофиқдир. Микрофотография ўтказилган текширув натижаларини тасдиқловчи ҳужжат ҳисобланади.

Натижалар. Суд тиббий амалиётда механик асфиксиялардан чўкишни учрашини тахлил киладиган булсак, 2020 йилда 32та, 2021 йилда 43та чўкиш учраган. Шу 2020-йилдаги 32та ҳолатни хам тахлил киладиган булсак, эркакларда аёлларга нисбатан купрок кузатилгани маълум бўлди. Эркакларда -21та, аёлларда -11та учраган. 14 ёшгacha-4та, 18 ёшгacha -10та, 18 ёшдан катта-18та холат кузатилган. 2021- йилдаги 43та ҳолатни хам тахлил қиладиган бўлсак, 14 ёшгacha-6та, 18 ёшгacha-1та, 18 ёшдан юқори-36та холат кузатилган. Эркакларда -27та, аёлларда -16та учраган

Чўкиш

Нафас олиш йўлларинг қандайдир суюқликлар билан ёпилишига чўкиш дейилади. Бунда тананинг суюқликка тўлигича ёки қисман ботиши туфайли нафас олиш йўллари беркилиши мумкин. Сувдан ташқари, чўкиш воситасига суюқ балчик, нефт, бўёқ, минерал ва ўсимлик мойлари, ишлаб чиқаришда қўлланиладиган ҳар хил суюқликлар (пиво, вино, спирт, бензин, керосин ва бошқалар) киради. Нафас олиш йўллари сувда ёпилганда аввало нафас олишнинг рефлектор тўхташи содир бўлади. Кейин инспиратор ҳансираш пайдо бўлиб, сув нафас олиш йўлларига киради, аввало унга чуқур кирмайди, чунки шиллиқ пардалар таъсирланишидан пайдо бўлган йўталиш кучи туфайли сувнинг бир қисми орқасига чиқариб юборилади. Инспиратор ҳансираш тезликда экспиратор ҳансираш билан алмашинади. Хушини йўқотиб, кўз қорачиқлари кенгаяди; талвасаланиш бошланиб, рефлектор йўли билан сувни юта бошлайди. Ҳимоя рефлекслари тезликда йўқола бошлаб, сув тезликда то(сиқсиз ҳолда ўпкага киради. Нафас олиш қисқа муддатли тўхтагандан кейин терминал ҳолатда яна тикланиб, сув яна кўпроқ ўпкага кира бошлайди. Нафас олиш тўхтагандан бир неча вақт (5—10 дақиқа) ўтгач юрак уриши ҳам тўхтайди. Ҳақиқий чўкишнинг диагностикаси. Чўкишнинг белгиларига қуйидагилар киради: нафас олиш бўшлиғи ва бурун ҳамда оғизда турғун оқ ёки оқимтири-қизғиши майда пуфакчали кўпикнинг бўлиши (Крушевский белгиси); ўпканинг ўткир эмфиземаси; плевра тагида оч-қизил рангли тарқалувчан қон қуилиш (Рассказов-Лукомский дуглари); асосий суяқ бўшлиғида чўкиш суюқлигининг бўлиши (Свешников белгиси); ошқозонида ютилган суюқлик борлиги; юрак чап қоринчаси бўшлиғидаги қоннинг суюлиши ва қон томирлари ичидаги

эритроцитларнинг гемолизи; қонда ва ички органларда планктон ва соҳта планктонларнинг бўлиши; умумасфиксик белгиларнинг бўлиши киради. Бурун, оғиз бўшлиги ва нафас йўлларида турғун оқиш майда шилимшиқ модда сув ва ҳавонинг аралашувидан ҳосил бўлади. Бу чўкиш жараёнида актив нафас олиш ҳаракатларини кўрсатувчи энг муҳим белги ҳисобланади. Оғиз бўшлиги ва бурун атрофидаги кўпик 42 фоиз учраса, нафас йўлларида 58 фоизни ташкил қиласди (С.П. Дидковская, 1970). Ўпканинг ўткир шишиши чўкишнинг ўзига хос тириклик белгиларидан бири боийб, кўпчилик ҳолларда кузатилади. Плевра тагида қон қўйилиш (Рассказов-Лукомский догиари) чўкишнинг кўп учрайдиган тириклик белгиси ҳисобланади ва ҳар хил тадқиқотчиламинг маълумотига кўра 55 дан 93 фоиз ҳолларда кузатилади. Асосий суюк бўшлиғида суюқликнинг бўлиши ҳам чўкишнинг тириклик белгиси ҳисобланаби, бу чўкишга алоқадор ҳолларда 65-фоизгача учрайди. Бунга Свешников белгиси дейилади. Ошқозонга суюқликнинг ютилиши. Юрак чап қоринчасидаги қоннинг суюлиши, шунингдек, қон томири ичидаги еритроцитларнинг гемолизи ҳам фақатгина чучук сувда чўкиш пайтида кузатиладиган энг муҳим тириклик белгиларидан биридир. Бунга Каспер белгиси дейилади. Ўт пуфагини жойлашган жойи ва деворида шиш пайдо бўлши (Русаков белгиси). Мускулларнинг кучли таранглашуви туфайли бо йин, кўкрак ва йелка мускулларига қон қўйилиши (Палтауф белгиси). Ўпканинг висцерал плевраси хиралашуви. Юракнинг чап томонида ҳаво эмболияси бўлиши (Свешников-Исаев белгиси). Бўйин умуртқасининг компрессион синиши. Ошқозон шиллиқ пардасининг йиртилиши (Авдеев-Громов белгиси). Суюқликда кварц минералининг топилиши (Клепче белгиси). Юракнинг ўнг ва чап томонидаги қоннинг ҳар хил муддатда музлаши. Юқорида кўрсатилган белгилар чўкишнинг тириклик белгилари ҳисоблансада, чўкишга хос доимий ва тасдиқловчи бирорта белги йўқ. Бундан ташқари, келтирилганлардан кўпчилиги вакт ўтиши билан чириш жараёнида тезда йўқолиб кетади. Шунинг учун ҳам сувда чўкишнинг диагностикасида анчагина қийинчиликлар туғилади. Мурдадаги ташқи белгилар, жумладан, ғоз териси, мояк халтасининг қисқариши, мурданинг тез совуши, мурда доғининг қизгиш тусли бўлиши фақатгина мурданинг сувда болганлигидан дарак беради. Чўкишнинг диагностикаси қийинлиги, айниқса мурданинг ҳаддан ташқари чириган ҳолларида ҳар хил лаборатория усуллари ёрдамида ташхис қўйиш таклиф қилинган. Чўкишнинг ташхисида планктонни лаборатория усулида аниқлаш муҳим аҳамиятга ега. Чўкишнинг диагностикасида ўсимликларга алоқадор планктонлар-фитопланктонлари, айниқса диатомалами аниқлаш муҳим аҳамият касб етади.

Адабиётлар.

1. Xatamova Sarvinoz Muyitdinovna .The role of hyperhomocysteinemia in the development of cognitive impairment in chronic cerebral ischemia ISSN: 2776-0979, Web of scientist:international scientific research journal Volume 3, Issue 9,421-428
2. Xotamova Sarvinoz Muyitdinovna.The role of hyperhomocysteinemia in the development of cognitive disorders in chronic brain ischemia. Web of scientist:international scientific research journal issn: 2776-0979, Volume 3, Issue 8, Aug., 2022 442-453
3. Xotamova Sarvinoz Muyitdinovna/ analysis of maternal mortality in the practice of pathological anatomy/Web of scientist:international scientific research journal ISSN: 2776-0979, Volume 3, Issue 8, Aug., 2022
4. **Хайдарова Дилдора Кадировна, Хатамова Сарвиноз Муйитдиновна** развитие когнитивных нарушений при хроническом ишемическом инсульте, роль гипергомоцистеинемии. журнал "медицина и инновации" - научно-практический журнал/ свидетельство №1126, выдано 29.10.2020 г. удк 616.511-005.1.03 72-78
5. **Хайдарова Дилдора Кадировна,Хатамова Сарвиноз Муйитдиновна** научный анализ роли с-реактивного белка и гипергомоцистеинемии в причине хронического ишемического инсульта. <http://dx.issn 2181-0982>. журнал неврологии и нейрохирургических исследований 24-28
6. Khaidarova Nargiza Akhtamovna, Khotamova Sarvinoz Muyitdinovna. Ischemic Heart Disease in Path Anatomic Practice: Cardio Sclerosis .EUROPEAN MULTIDISCIPLINARY JOURNAL OF MODERN SCIENCE .<https://emjms.academicjournal.io/index.php/> Volume:5 402-406.
7. Basic patologi. V.Kumar, R.S. Cotran, S.L.Robbins. Sixth ed 1997.
8. B.B. Серов “Руководство практическим занятиям по патологической анатомии” М. 1987 г.
9. Robbins and Cotran/ Pathologic basis of disease, 7th edition. –USA, 2004, электрон
10. **Хатамова Сарвиноз Муйитдиновна.** суд тиббий амалиётида жигар циррози учраши ва статистик таҳлили.Amaliy va tibbiyot fanlari ilmiy jurnali. jild: 02 nashr: 05 2023 yil. jild: 02 nashr: 05 2023 yil 356-361